

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

Ушбу сонда:

ИЖТИМОЙ
ФАРОВОН-
ЛИҚДА
ПЕШКАДАМбўлмоқ учун ўз маҳсуло-
тимизни ўзимиз ишлаб
чиқаришимиз, ички
бозорни тўлдириб,
пировардида, экспорт
ҳажмини оширишимиз
лозимФРАНЦИЯДАГИ
ТАРТИБСИЗ-
ЛИКЛАРбутун Европани хавотирга
солмоқдаВАКИЛЛАР
ПАЛАТАСИҳар қандай қонунга
ўзгартириш киритиши ва
рад этиши мумкинМЕН
АКТЁРМАН,
ТЕАТР —
УЙИМсахнада яшайдиган
одамЙЎҚОЛГАН
ХАЗИНА... одам эмас, каламуш
ўғри
(воқеи ҳикоя)

2005 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ, ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

№ 46 (542)

E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Мавсум

Олий Мажлисида

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ
2000 ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз ҳамда кўҳна қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келган, юртимиз заминидagi қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш, халқимизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тартиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида:

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси томонидан Марғилон шаҳрига асос солинганнинг 2000 йиллигини нишонлашда ушбу ташкилотнинг иштироки этиши ҳақида қарор қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқлансин.

3. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури, шаҳарнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда Марғилон шаҳридаги маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқлансин. Ташкилий қўмита Марғилон шаҳрининг бутунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият берсин ҳамда йилнинг ҳар чорага ўз мажлисларида мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирлар ижросини кўриб чиқиб, унинг натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

4. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари Марғилон шаҳрининг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган қурилиш ва ободончилик ишларини ўз вақтида ва тўлиқ маблаг билан таъминлашни назарда тутсин.

5. «Ўздавархитектқурилиш» қўмитаси Фарғона вилояти ҳокимилиги билан биргаликда Марғилон шаҳрида қурилатган ҳамда реконструкция қилинаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилиб тасдиқлангандан кейингина маблаг билан таъминлашни учун масъул экани белгиланган бўлиши.

6. «Ўзбек илгир» уюшмаси, «Ўзбекентилсанот» ва «Ўздонмахсулот» давлат акциядорлик компаниялари, «Пахта банк» ҳамда Фарғона вилояти ҳокимилиги Марғилон шаҳрининг маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича белгиланган вазифаларни тасдиқланган смета асосида

тўлиқ ва ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш учун масъул экани белгиланган бўлиши. Шунингдек, тегишли маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга туширишда, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида молиявий маблағларни, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлаш.

7. Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон уюшмаси, «Матнавият ва маърифат» маркази, Фарғона вилояти ҳокимилиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва халқаро ташкилотлар иштирокида, таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакиллари билан жалб этилган ҳолда, 2007 йил март ойида «Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидagi ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбирларини ўтказсин.

8. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Фарғона вилояти ҳокимилиги билан биргаликда, бир ой муддатда, Фарғона водийсининг бой тарихий-меъморий обидалари ва зиёратгоҳлари, табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тартиб этиш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқсин ҳамда уни халқаро туристик ярмаркаларда реклама қилиш чора-тадбирларини белгилансин.

9. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвир этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 9 ноябрь

Суратда: Хусанбой АБДУЛЛОВ

Айни кунларда галаларга иш қизғин. Дехқонларимиз кузги дала юмушларини ўз вақтида сифатли қилиб бажариш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Бу борада Тошкент вилояти Бекобод туманида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тумандаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги дехқонлари кузги шугоралаш ишларини сифатли қилиб бажаришга кўпчиликка ибрат бўлишяпти. Ҳозиргача ҳўжаликдаги 2120 гектар ернинг ярмидан кўпи сифатли қилиб ҳайдалди. Бунинг учун барча бирдек фидойилик кўрсатмоқда. Иш сифатини текшириш ва назорат қилиш учун сифат комиссияси фаолият кўрсатыпти.

Суратда: жонкуяр мутахассислар ҳайдалган ер сифатини кўздан кечиришмоқда.

Юқорида зикр этилган қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йалпи йиғилишида иккинчи ўқишда муҳокамага қўйилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари ва тегишли муассасалар мутахассислари иштирок этди. Қонун лойиҳаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар

қўмитаси томонидан кун тартибига киритилган бўлиб, унда автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни олиш, тарқатиш ва таҳлил қилиш каби масалалар ўз аксини топти. Йиғилишда таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси «Банк сирини тўғрисида»ги қонундан фарқ қилмади, маълум маънода тўлдирди ҳам. Йиғилиш давомида лойиҳанин ҳар бир моддаси банд-банд мушоҳада қилиниб, унинг моҳияти, номла-ниши ва матн тузилиши де-путатлар томо-нидан қизғин муҳокама қилинди. Ай-ниқса, депутат Убайдулла Саъдуллаевнинг «Кредит уюшмалари

банк тизимига қирадимиз?» деган саволи қизғин баҳс ва тортишувларга сабаб бўлди. Қонун ижод-корлари, мута-хассислар, кредит уюш-малари мазкур тизимга фа-қатгина фой-даланувчи си-фатида қиради, деган хулосага келишди.

— Мазкур қонун лойиҳа-си бевосита шу тизимнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб,



ишлаб чиқилди, — деди Қонунчилик палатаси де-путати Худойёр Маматов биз билан суҳбатда. — Яъни автоматлаштирилган банк тизимидаги ахборотнинг қай тарзда муҳофаза қили-ниши, тарқатилиш тартиби ва таҳлили хусусида ҳам бир қатор янгиликлар, қўшимчалар киритилди.

Йиғилишда Олий Маж-лис палаталарининг кели-шув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини таш-кил этиш тартиби ҳақида-ги масала ҳам муҳокама қилинди. Ушбу масала юза-сидан бир қатор фикр, му-лоҳазалар ва тақлифлар билдирилди.

Анвар СУЙОНОВ,
«Адолат» муҳбири

ННТ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган но-давлат ва жамоат ташкилотларининг нуфузини оширишга катта эътибор кара-тилмоқда. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ба Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мазкур институтларнинг жамият тарракки-етмасидаги асосий афсонага айланиб, уларнинг самардорлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Зеро, кишилар оне шуурида демократик каоритларнинг қарор топтиришда, аҳолининг сиёсий фаолиятини оширишда маз-кур ташкилотлар муҳим аҳамиятга эа.

Истиқлолнинг ilk йилларидаюқ През-идентимиз томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойили мамлакатимизда фуқаролик жа-мийятининг шаклланишида стратегик йўна-лишни белгилаб берди. Утган давр мобай-нида фуқаролик жамиятини ривожланти-ришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яра-тиди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ми-ллий ассоциациясининг раиси Нозим ҲАБИ-БУЛАЕВ билан суҳбатимиз ана шу ху-сусда бўлди.

— Кўп сонли аҳолининг қўллаб-қувват-лашига таялган ҳолда фуқаролик жамя-тинин яратиш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган очик фу-қаролик жамиятини шакллантириш йўли-даги муҳим вазифалар сирасига қиради. Жорий йилнинг 23 июлида қабул қилин-ган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ин-ститутларининг ривожлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги қарор фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари (ма-ҳалалар), партиялар, ҳаракатлар, касбада уюшмалари, жамоатчилик биравшмалари ва жамғармалари, нодавлат нотижорат таш-

килотлари фаолиятини янада жонланти-ришга, шунингдек, уларнинг жамиятимиз-да тутган нуфузини янада оширишга хиз-мат қилмоқда.

Жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жа-раёнларда фуқароларнинг фаолияти ва си-ёсий маданиятини янада ошириш, шу би-лан бирга, фуқароларнинг салоҳиятини рўбга чиқаришда мазкур институтлар жуда муҳим ўрин тутди.

— Яқинда иш бошлаган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ми-ллий ассоциациясининг мақсад ва вазифа-лари нималардан иборат?

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқа-ролик жамиятининг негизини ташкил эта-диган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритиши учун яратилган ҳуқуқий асос ва соғом рақобат муҳити тўғрисида бутунги кунда 5 миндан ортиқ ана шун-дай ташкилот рўйхатдан ўтиб, қонуний фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон нодав-лат нотижорат ташкилотлари миллий ас-социацияси ҳам ана шундай табиий ижти-моий жараён натижаси ўлароқ мазкур таш-килотларнинг талаб ва эҳтиёжларидан ке-либ чиққан ҳолда юзага келди.

(Давоми 2-бетда)

СПОРТ БУ — БАРКАМОЛ АВЛОД

дегани. Айниқса, болалар спорти ривожини бугун
мамлакатимизда нафақат ижтимоий, балки давлат
аҳамиятига молик масала

Болалар спортини ривожлантириш борасида бошлаган ишларимиз ўзини оқлади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоднинг вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл урганимиз. Утган қисқа даврда бу борада муайян ютуқларга эришдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишимиз ўз мевасини бермоқда. Зеро, бугун жойларда спортга қизиқиш изчил кучайиб бормоқда.

Ислом КАРИМОВ

(Шу йил 8 ноябрь кунин Оқсаройда
Ўзбекистон Болалар спортини
ривожлантириш жамғармаси
Ҳомийлик Кенгаши йиғилишидаги суҳбатдан.)

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларида спорт инфратузилмасини барпо этиш ва ёшларни спортга оммавий жалб этиш борасида бекиёс ишлар амалга оширилди. Биргина жорий йилда замонавий болалар спорти иншоотларини тик-лашга мўлжалланган 155 та

корхоналарида ишлаб чиқа-рилди. 2006 йил дастурига кўра яна 162 та болалар спорт иншоотларида қури-лиш ишлари олиб бориш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кен-гашининг навбатдаги йиғили-шида келтирилган бу рақам-ларни телевизор орқали тин-глаб ўтириб, Президентимиз-нинг шу йил сентябр ойида Қорақалпоғистон Республика-сига қилган сафари чоғи ҳудудда мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан алоҳида қизиққанлигини, янги спорт саройлари ва тен-нис кортларини бориб кўрганлигини эсладим.

(Давоми 2-бетда)

«ҲОЖАЙИ ЖАҲОН» ТУЗИ

— Банкимиз томонидан ажратилган кредит маблағлари тадбиркорнинг хайрли режасини амалга оширишда жуда қўл келди, — дейди Миллий банкнинг туман филиали бош-қарувчиси Марат Иброҳимов. — Энг муҳими, ҳозир бу ерда ҳар ойда 20 тонна «Ҳожайи жаҳон» деб номланувчи туз йодланган ҳолда қадоқланиб савдога чиқарилаётти. Ун уч кишилик ишчи ўринлари яратилганини айтмайсизни?! Демак, 13 та рўзгорининг қозони қайнаб турибди.

Умуман олганда Миллий банкнинг туман филиалида ми-жозлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Жумладан, жорий йилнинг утган даврида банк филиали ўз миқозла-рига 330 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратди. Ана шу сумманин 112 миллион сўми фермер хўжаликларида ажратилган бўлса, қолгани бошқа тадбиркорлик субъект-лари учун берилган имтиёзли кредитлардир. Кредитни ҳамда унинг фоииз устамаларини қайтаришга банк миқоз-га ишонапти. Шерали Шариповга ўхшатган, ишнинг кўзи-ни биладиган тадбиркорлар Ўзбекистонда юзлаб топилди. Ўнжоз танити бўлса, икки томонга ҳам қулай-да!

Дилмурод ЖАББОРОВ,
«Адолат» муҳбири

Ўз мухбиримиз

Нашр кўрсаткичи — 100